



**ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ХУЗУРИДАГИ
НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ВА ФУҚАРОЛИК
ЖАМИЯТИНИНГ БОШҚА ИНСТИТУТЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ
ЖАМОАТ ФОНДИ**

Навоий шаҳри С.Айний кўчаси 34-“а” Дўстлик ва ННТлар ” уйи 3-қават.

« 10 » декабр 2024 йил № 26/10

Навоий шаҳри

Навоий вилояти ҳокимлигига

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил
6 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти
очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини
самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар
тўғрисида”ги ПФ-6247-сонли Фармони Навоий вилоятидаги
ижроси тўғрисида маълумот**

Фармоннинг 1-илоvasи 40-банди ижросини таъминлаш мақсадида Навоий вилояти жамоат Фонди томонидан фуқаролик жамиятларини қўллаб-қувватлаш учун давлат субсидияси – 5 153 096 000 сўм, давлат гранти – 783 720 000 сўм миқдорида жорий йилда ажратиб берилди.

2024 йилда давлат субсидияси шаклида Ногиронлар жамияти, Кўзи ожизлар жамияти вилоят, туман шаҳар бўлинмалари, Ногиронлар ассоциацияси, Карлар жамиятининг вилоят бўлимлари – 2 320 800 000 сўмга, Навоий вилояти Савдо саноат палатаси ва 10 та миллий маданий марказ 2 832 296 000 молиялаштирилди.

2024 йил ўтган даври мобайнида 3 та грант танлови ўтказилди. Давлат грантининг 1-танлови 28 февралдан – 28 мартгача 2024 йил – “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” муносабати билан “Аҳоли ва жамиятнинг муҳим муаммоларини ўрганиш ҳамда тизимли ҳал этишга кўмаклашиш” мавзусида ўтказилган бўлиб, танловга жами 18 та лойиҳа қабул қилинди. Шундан, Комиссиянинг қарорига мувофиқ 7 та лойиҳа ғолиб деб топилди ва 381 540 000 сўмга молиялаштирилди.

Давлат грантининг 2-танлови 28 февралдан – 28 мартгача 2024 йил – “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” муносабати билан “Жамиятда аҳоли қатламлари, айниқса ёшларнинг фаоллигини янада юксалтириш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишда фуқаролик

жамияти институтларининг фаоллигини ошириш” мавзусида ўтказилган бўлиб, танловга жами 12 та лойиҳа қабул қилинган. Шундан, Комиссиянинг қарорига мувофиқ 2 та лойиҳа ғолиб деб топилган ва 68 180 000 сўмга молиялаштирилган.

Давлат грантининг 3-танлови 15 майдан – 15 июнгача 2024 йил – “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” муносабати билан “Аҳоли қатламлари, айниқса ёшларни ҳаётда муносиб ўрин эгаллашига кўмаклашиш ва тиббий ҳамда экологик маданиятини юксалтириш” мавзусида ўтказилган бўлиб, мазкур танловга 28 та лойиҳа қабул қилинган. Танлов натижалари бўйича 7 та ННТ ғолиб деб топилган бўлиб, уларга 334 000 000 сўм маблағ ажратиб берилди.

2024 йил июнь-июль ойларида ЎзННТМА Навоий вилояти ҳудудий бўлинмаси вилоят жамоат Фонди, Ижтимоий шерикчилик бўйича жамоат Комиссияси аъзолари иштирокида 2023 йил эълон қилинган 4,5 ҳамда 2024 йилда эълон қилинган 1,2-танлов ғолиблари жами 26 та лойиҳа асосида амалга оширилган ишлар мониторинг қилиниб, тегишли хулосалар берилди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузуридаги Ижтимоий шерикчилик бўйича жамоат Комиссияси ва жамоат Фонди фаолияти ҳисобот даврида вилоят телерадиокомпанияси томонидан 21 маротаба, “Дўстлик байроғи” газетасида 5 маротаба, “Знамя дружби” газетасида 3 маротаба, “Навоий ёшлари” газетасида 3 маротаба, “Мерос” газетасида 4 маротаба ЎЗА орқали 5 маротаба, “Правда востока” газетасида 4 маротаба ёритилди.

Бундан ташқари, Навоий вилоятидаги ўз ташаббусига кўра ташкил этилган қатор нодавлат нотижорат ташкилотлари дунё миқёсида ўтказилган халқаро конференцияларда иштирок этдилар. Жумладан, “Ноила” ижтимоий кўмак, ҳуқуқий тарғибот ва мониторинг маркази Қирғизистон Республикаси, Туркия ва Польша Республикаларида бўлиб ўтган анжуманларда, “Имконият” нодавлат нотижорат ташкилоти Буюк Британияда бўлиб ўтган халқаро тадбирларда, бундан ташқари вилоятимиздаги 30 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ўнлаб халқаро нуфузли анжуманларда иштирок этдилар.

Вилоятимизда ўндан ортиқ нодавлат ташкилотлари халқаро грант лойиҳаларини амалга ошириб келмоқдалар.

Вилоят жамоат Фонди директори



Х.Жумаев